

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки

Рўйхат рақами № 25/115.

20 15 йил « 15 » августда

Марказий банк Раисининг

биринчи ўринбосари

У.М. Мустафоев



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AKSIYADORLIK TIJORAT
ХАЛҚ БАНКИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ**

НИЗОМИ

(янги таҳрирда)

Ўзбекистон Республикаси

акциядорлик тижорат Халқ банки

Бошқарувининг 2015 йил 1 апрелдаги

31/1-сонли ва 2015 йил 3 августдаги 77/2-сонли

қарорлари билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Банк Бошқаруви Раиси

А.Н. Абдуллаев



Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки
Фарғона вилоят филиали тўғрисида
НИЗОМ
(янги таҳрирда)

1. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг Фарғона вилояти филиали (кейинги ўринларда матнда - "Вилоят филиали" деб юритилади), Халқ банки (кейинги ўринларда матнда - "Банк" деб юритилади)нинг Ўзбекистон Республикаси молия бозорида рақобат мавқеини мустаҳкамлаш, даромадини ошириш мақсадида Банкнинг Кузатув Кенгаши қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунида белгиланган тартибда ташкил этилади.

2. Вилоят филиали ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари фаолиятига таалукли бўлган меъёрий ҳужжатларига, Банк Устави, Банк акциядорлари умумий йиғилиши, Кузатув Кенгаши ва Бошқаруви қарорларига, ҳамда ушбу Низомга риоя қилади.

3. Вилоят филиали Банкнинг алоҳида таркибий бўлинмаси ҳисобланади, ўз ўрнида, мазкур Низом доирасида Фарғона вилоят ҳудудида жойлашган Банк филиаллари (кейинги ўринларида Филиал деб аталади) устидан раҳбарликни амалга оширади. Вилоят филиали ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади. Вилоят филиали юридик шахс мақомига эга эмас.

4. Банк Вилоят филиали ўз фаолиятини бир маромда юритиши учун уни зарур бўлган маблағлар ва бошқа мол-мулк билан таъминлайди, ҳамда унга тегишли ваколатларни беради.

5. Вилоят филиалининг фаолияти юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатиш, ҳамда Филиаллар томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва Банкнинг фармойишларини бажарилишини таъминлашдан иборат.

6. Вилоят филиали ўз фаолияти учун ажратилган маблағ ва мол-мулкни мазкур Низомда белгиланган ваколатлар доирасида тасарруф этади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олиб, Банк номидан хўжалик фаолиятини юритади.

7. Банк Вилоят филиали мажбуриятлари бўйича жавобгардир.

8. Вилоят филиали Банкнинг умумий ишончномаси асосида, Банк номидан суд органларида даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга.

9. Вилоят филиали Банкнинг сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозларини тарқатиш, расмийлаштириш, ҳамда сотиш бўйича вакилдир.

10. Вилоят филиали ўз балансига, алоҳида штамп, банкнинг рамзи туширилган бланк, Банк номи ва рамзи акс эттирилган ҳамда Вилоят филиали номи кўрсатилган думалоқ муҳрга эга.

11. Вилоят филиали манзили: 150100, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Каштанзор кўчаси, 33-уй.

12. Вилоят филиалида банк операциялари мазкур Вилоят филиали таркибида ташкил этилган Амалиёт бўлими (кейинги ўринларда матнда - "Амалиёт бўлими" деб юритилади) томонидан амалга оширилади. Амалиёт бўлими - Банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи Вилоят филиали таркибий тузилмаси бўлиб, унинг барча мажбуриятлари Банк номига олинган деб ҳисобланади.

13. Амалиёт бўлими ўз фаолиятини мазкур Низом ҳамда Вилоят филиали томонидан берилган ишончномага асосан амалга оширади ва алоҳида баланс, штамп, банкнинг рамзи туширилган бланк, Банк номи ва рамзи акс эттирилган ҳамда Амалиёт бўлими номи кўрсатилган думалоқ муҳрга эга.

14. Корхона, ташкилот, бирлашма, шунингдек кичик бизнес субъектлари ва жисмоний шахсларнинг Амалиёт бўлимида ўз ҳисобварақларини очишлари, кўрсатиладиган банк хизматларидан фойдаланишлари ихтиёрий равишда шартнома асосида амалга оширилади.

2. Вилоят филиали маблағлари

1. Вилоят филиали маблағлари Банкнинг ўз маблағларидан, ҳамда унинг фаолияти давомида шаклланадиган турли фондлардан ташкил топади.

3. Кредит ресурслари ва уларни тартибга солиш

1. Вилоят филиалининг кредит ресурслари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:
жалб қилинган ресурслардан;

Банк томонидан белгиланган миқдорларга асосан, Вилоят филиали ихтиёрида қоладиган фондларга ажратмалар ва фойдадан;

Банк томонидан ажратиладиган ресурслардан;

Вилоят филиали тақсимланмаган фойдасидан.

2. Вилоят филиали Банк томонидан ўрнатиладиган кредитлашнинг лимити ва мавжуд кредит ресурслари доирасида кредитлашни амалга оширади.

3. Вилоят филиалининг бўш кредит ресурслари Банкнинг қарорига биноан, тўлов асосида, Банк ичида қайта тақсимланиши мумкин. Вилоят филиали томонидан кредит ресурсларини бошқа тижорат банкларига тўлов асосида жойлаштириш, Банкнинг рухсати билан амалга оширилади. Вилоят филиали Филиалларга мустақил равишда тўлов асосида маблағларни қайта тақсимлаш ҳуқуқига эга.

4. Вилоят филиали Филиалларнинг кредит ресурсларидан фойдаланишини амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда назорат қилиши шарт.

4. Мижозлар манфаати ҳимояси

1. Вилоят филиали омонатчилар манфаатини ҳимоялаш ва Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ва ҳар доим ўзига тегишли ва Филиалларнинг мажбуриятларини вақтида ва тўлиқ ижро этишни таъминлаш учун барча чораларни кўради.

2. Вилоят филиали мижозлар операциялари, ҳисобварақлари ва омонатлари, ҳамда вакилларига доир маълумотларни сир сақлашга ва ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга оширишга кафолат беради. Барча Вилоят филиали ходимлари мижозлар операциялари, ҳисобварақлари ва омонатлари, ҳамда вакилларига доир маълумотларини сир сақлашлари шарт.

3. Вилоят филиали юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари, ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотномаларни ана шу ташкилотларнинг ўзига, прокуратурага, судларга, жиний иш кўзғатилган бўлса суриштирув ва тергов органларига беришга ҳақли.

Вилоят филиали жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотномаларни мижозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига; мижозларнинг ҳисобварақлари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсалар хатланиши, уларга ундирув қаратиши ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича судлар, суриштирув ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда беришга ҳақли.

Банк сирини ташкил этувчи, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.

4. Ҳисобварақлар ва омонатнинг эгалари вафот этганда ушбу ҳисобварақлар ҳамда омонатга доир маълумотлар мазкур ҳисобварақ ёки омонат эгаси банкка топширган васиятномасида кўрсатган шахсларга, вафот этган омонатчиларнинг жамғармаларига доир мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фуқароларининг ҳисобварақларига доир маълумотномалар эса чет эл консуллик муассасаларига берилади.

Вилоят филиали ўз мижозлари бўлган корхоналарнинг операциялари тўғрисида зарур маълумотларни, улар солиқ тўловларини тўлиқ ва тўғри тўлаётганликларини назорат қилиш учун солиқ органларининг сўровига биноан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этишга ҳақли.

Банк сирини маълумотларига рухсатномаси бўлган Вилоят филиали ходимлари банк сирини ошкора қилганликлари учун амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5. Вилоят филиали ва унинг тасарруфидаги Амалиёт бўлимининг банк операциялари

1. Вилоят филиали ўз мижозларига ҳисоб, кредит ва бошқа Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Банкка берилган лицензияда рухсат этилган банк хизматларини кўрсатади.

2. Амалиёт бўлимида Вилоят филиали томонидан берилган ишончномага асосан Банк уставида кўзда тутилган қуйидаги банк операциялари амалга оширилади.

омонатларни жалб қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

пластик карточкалар орқали амалиётларни амалга ошириш;

кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги, мақсадлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлар бериш;

маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;

банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;

молиявий лизинг;

ҳалқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

3. Амалиёт бўлими Банк рухсати билан чет эл валютасида операцияларни амалга ошириши мумкин.

4. Амалиёт бўлими ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар, шартномалар асосида, уларнинг ўзаро мажбуриятлари ва жавобгарликларини белгиловчи тенг ҳуқуқлилиги ҳамда манфаатдор ҳамкорлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

5. Банк амалиётлари ўтказилганлиги учун воситачилик ҳақи миқдори Банкнинг тариф сиёсатида мувофиқ ҳамда Банк томонидан тасдиқланган тариф доирасида мижозлар билан тузилган шартномаларга асосан Амалиёт бўлими томонидан мустақил белгиланади.

6. Вилоят филиали ва Амалиёт бўлими ҳуқуқлари

1. Вилоят филиали ва Амалиёт бўлими қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳодимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш;

филиалларда ва Амалиёт бўлимида ҳисоботлар етарли даражада бўлмаганлиги ёки бухгалтерлик ҳисоботларининг нотўғри олиб борилаётганлиги аниқланганда, бартараф этилишини, кредит шартномасида белгиланган мажбуриятлар бузилган ҳолатларда, кредитлашни тўхтатиш ва берилган кредитларни муддатидан олдин ундириб олиш;

қарздор олувчининг гаровга қўйилган мулки таъминотини текшириш;

кредитларни ўз вақтида тўлаш мажбуриятларини бажармаётган қарздорларни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш ва бу ҳақида матбуотда эълон бериши мумкин, ҳамда бундай қарздорларни банкрот деб топишни сўраб, хўжалик судида, Банк номидан берилган ишончнома асосида, даъво кўзғатиш;

Шунингдек, Вилоят филиали Филиаллар фаолияти устидан назорат қилиш, Банкка жамланган ҳолда такдим этиш учун Филиаллардан ва Амалиёт бўлимидан ҳисоботлар ва уларнинг фаолиятига доир бошқа маълумотларни талаб қилиб олиш.

2. Амалиёт бўлими қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш;
мижозлардан бухгалтерия ҳисоботи ва балансини, ҳамда бошқа зарур маълумотларни олиш;
кредит шартномасида белгиланган мажбуриятлар бузилган ҳолатларда, кредитлашни тўхтатиш ва берилган кредитларни муддатидан олдин ундириб олиш;
қарздор олувчининг гаровга қўйилган мулки таъминотини текшириш;
кредитларни ўз вақтида тўлаш мажбуриятларини бажармаётган қарздорларни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш ва бу ҳақида матбуотда хабар бериши мумкин ҳамда бундай қарздорларни банкрот деб топишни сўраб, хўжалик судида, Банк номидан берилган ишончнома асосида, даъво кўзгатиш;
шартномалар асосида ва таърифларга биноан актив ва пассив операциялар учун фоиз ставкаларини ҳамда кўрсатилган хизматлар учун комиссия хизмат ҳақларини белгилаш;

7. Вилоят филиали фойдаси ва унинг тақсимланиш тартиби

1. Вилоят филиали молиявий-хўжалик фаолиятини, жорий молиявий йил учун Банк Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес ва молиявий режалар доирасида амалга оширади. Вилоят филиали даромадининг кўйи чегараси ва харажат қисмининг юқори чегараси бизнес ва молиявий режаларнинг тегишли бандларида акс эттирилади.

2. Вилоят филиалининг тижорат фаолиятидаги асосий кўрсаткичи соф фойда бўлиб, у Вилоят филиали ва Филиаллари фаолиятини умумловчи самара кўрсаткичи ҳамда Вилоят филиали фаолиятини мустақамлаш ва ривожлантиришнинг асосий манбасидир. Вилоят филиалининг соф фойдаси барча фаолиятдан олинган даромадлардан, операцион харажатлар, шу жумладан меҳнат ҳақи харажатлари чегирилгандан сўнг шаклланади.

Вилоят филиали даромадлари кўйидагилардан ташкил топади:

фоизли даромадлар;

фоизсиз даромадлардан.

Филиал харажатлари кўйидагилардан ташкил топади:

фоизли харажатлар;

фоизсиз харажатлар;

операцион харажатлар.

Маъмурий - хўжалик мақсадлар учун харажатлар бизнес ва молиявий режаларда белгиланган меъёр доирасида амалга оширилади.

3. Вилоят филиали олинган соф фойдадан маълум улушини Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Тартибга кўра Банк фондларига ўтказиши, қолган маблағлар Вилоят филиали ва Филиалларни ривожланиши учун йўналтирилади.

8. Вилоят филиали ва Амалиёт бўлимини бошқариш

1. Вилоят филиали фаолиятини бевосита бошқариш, Вилоят филиали бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Вилоят филиали бошлиғи Вилоят филиали олдидаги вазифаларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавобгардир. Вилоят филиали бошлиғи Банк Бошқарувига тўғридан-тўғри бўйсунди. Вилоят филиали бошлиғи, бош бухгалтери ҳамда Амалиёт бўлими бошлиғи ва бош бухгалтери Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Касбга мувофиқлик комиссиясидан ўтгандан сўнг Банк Бошқаруви томонидан тайинланади.

2. Вилоят филиали бошлиғи бу учун махсус ишончномасиз ушбу Низом асосида ва ўзига берилган ваколатлар доирасида Вилоят филиали номидан кўйидаги вазифаларни амалга оширади:

Банк Кузатув Кенгаши ва Бошқаруви қарорлари асосида Вилоят филиали ва Филиалларнинг фаолиятига таалукли буйруқлар чиқариш;

ўзига берилган ваколатлар доирасида Вилоят филиали ва Филиалларнинг маблағлари ва мулкни тасарруф этиш;

Филиалларнинг фаолиятини назорат қилишни ташкил қилиш;

Банкка тасдиқлатиш учун Филиалларнинг раҳбарлик лавозимларига номзодларни тақдим этиш;

барча ташкилот, корхона ва муассасалар билан бўладиган муносабатларда Вилоят филиали номидан иш тутиш, унинг номидан шартномалар тузиш ва ишончномалар бериш;

Банк томонидан тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ Вилоят филиали ходимларини лавозимга тайинлаш, ишдан бўшатиш, мукофотлаш ва жазолаш;

муассаса, ташкилот, корхона ва фуқароларга, Банк номидан берилган ишончнома асосида, талаб ва даъволарни билдириш ҳақида қарор қабул қилиш.

3. Амалиёт бўлими бошлиғи:

Амалиёт бўлими ваколатлари доирасидаги ҳужжатларни имзолайди;

бошқа ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда Амалиёт бўлими номидан иш кўради; ишончномага асосан Банк номидан шартномалар тузади ва уларнинг ижросини таъминлайди;

Банк томонидан тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ Амалиёт бўлими ходимларини лавозимга тайинлаш, ишдан бўшатиш, мукофотлаш ва жазолаш;

Амалиёт бўлими ишини такомиллаштиришга доир таклифлар киритади;

мазкур Низомдан келиб чиқувчи бошқа вазифаларни амалга оширади.

4. Вилоят филиали ва Амалиёт бўлими бошлиқлари вақтинча ишда бўлмаган пайтда уларнинг вазифаларини ўринбосарлари вақтинча ижро этади.

5. Вилоят филиали бош бухгалтери умумий масалалар бўйича Вилоят филиали бошлиғига, бухгалтерлик ҳисобини юритиш бўйича эса - Банк бош бухгалтерига бўйсунди.

6. Амалиёт бўлими бош бухгалтери умумий масалалар бўйича Амалиёт бўлими бошлиғига, бухгалтерлик ҳисобини юритиш бўйича эса - Вилоят филиали бош бухгалтери билан бир қаторда Банк бош бухгалтерига бўйсунди.

9. Вилоят филиали ҳисоби ва ҳисоботи

1. Вилоят филиалида ҳисоб-китоб, ҳисобот ва ҳужжатларнинг юритилиши Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Банк Бошқаруви томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ ташкил этилади ва амалга оширилади.

2. Вилоят филиали фаолиятининг натижалари унинг ойлик, чорак ва йиллик балансларида, даромад ва харажатлар ҳамда йиллик ҳисоботида акс топиб, белгиланган вақтда ва тўла ҳажмда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармасига, шу жумладан хонунчиликда белгиланган тартибда бошқа инстанцияларга ҳам тақдим этилади. Филиалнинг баланси, Банкнинг ва Вилоят филиалининг йиллик балансига ҳамда даромадлар ва харажатлар ҳисоботига кўшилади.

Вилоят филиали ҳар куни тезкор (электрон) тармоқлар орқали Банкка йиғма бухгалтерия балансини тақдим этади (етказди).

3. Вилоят филиалининг операцион йили 1 январдан бошланиб, 31 декабрда тугайди.

10. Вилоят филиали фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш

1. Ҳисоб ва ҳисобот қоидаларига риоя қилиниши, бойликларнинг сақланиши, баланс ликвидлигига ва амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши масалалари бўйича Вилоят филиали фаолиятини текшириш ва амалий ёрдам кўрсатиш Банкнинг ички аудит хизмати, якуний назорат ва Банкнинг бошқа тегишли таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

2. Вилоят филиали фаолиятини назорат қилиш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Банк томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

11. Вилоят филиали ва Амалиёт бўлимида банк сирини

1. Давлат сирини ҳисобланмаган, банк фаолияти билан боғлиқ бўлган, ошқора қилиниши (узатилиши, тарқатилиши), Банк, Вилоят филиали ва Амалиёт бўлими манфаатига зарар

етказиладиган маълумотлар, Вилоят филиали ва Амалиёт бўлимида банк сирига таалуқли маълумотлар деб тушунилади.

2. Банк сирига оид маълумотларни ошкора қилганлиги ва уларни қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлик амалдаги қонун ҳужжатлари асосида белгиланади.

12. Вилоят филиали фаолияти тугатилиши

1. Вилоят филиали фаолияти Банк Кузатув Кенгаши қарорига асосан ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда тугатилади. Вилоят филиалининг тугатилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун Банк томонидан белгиланган тартибда тугатиш комиссияси тузилади.

2. Фаолияти тугатилаётган Вилоят филиали томонидан ходимлар, омонатчилар ва бюджет олдидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ва мажбуриятлар тўлиқ бажарилганидан сўнг унинг мол-мулклари Банк тасарруфига ўтказилади.

3. Вилоят филиали фаолияти тугатилганлиги тўғрисида эълон матбуотда чоп этилади.

4. Марказий банкдан рўйхатдан чиқарилгандан сўнг Вилоят филиали тугатилган деб ҳисобланади.